

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/30.12.2019.V.12.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ**

ҲУДАЙНАЗАРОВА НИЛУФАР ЭШМУРАТОВНА

**ТУХУМ ЙЎНАЛИШИДАГИ ТОВУҚЛАР ПОСТНАТАЛ
ОНТОГЕНЕЗИДА ОЁҚ СУЯКЛАРИНИНГ МОРФОЛОГИК ВА
МЕХАНИК-КИМЁВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**16.00.02 - Ҳайвонлар патологияси, онкологияси ва морфологияси.
Ветеринар акушерлиги ва ҳайвонлар репродукцияси биотехникаси**

**ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Ветеринария фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
ветеринарным наукам**

Content of the abstract of doctoral dissertation (PhD) on veterinary sciences

Худайназарова Нилуфар Эшмуратовна

Тухум йўналишидаги товуқлар постнатал онтогенезида оёқ суякларининг
морфологик ва механик-химёвий хусусиятлари3

Худайназарова Нилуфар Эшмуратовна

Морфологические и механико-химические особенности костей конечности в
постнатальном онтогенезе, кур яичного направления.....23

Khudaynazarova Nilufar Eshmuratovna

Morphological and mechanical-chemical features of limb bones in the postnatal
ontogenesis of egg-laying chickens41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....45

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/30.12.2019.V.12.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ**

ҲУДАЙНАЗАРОВА НИЛУФАР ЭШМУРАТОВНА

**ТУХУМ ЙЎНАЛИШИДАГИ ТОВУҚЛАР ПОСТНАТАЛ
ОНТОГЕНЕЗИДА ОЁҚ СУЯКЛАРИНИНГ МОРФОЛОГИК ВА
МЕХАНИК-КИМЁВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**16.00.02 - Ҳайвонлар патологияси, онкологияси ва морфологияси.
Ветеринар акушерлиги ва ҳайвонлар репродукцияси биотехникаси**

**ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Олий аттестация комиссиясида В2023.3.PhD/V95 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.ssuv.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Дилмуродов Насриддин Бабакулович ветеринария фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Даминов Асадулло Сувонович ветеринария фанлари доктори, профессор Турсагатов Жаҳонгир Мамаатович ветеринария фанлари номзоди
Етакчи ташкилот:	Ветеринария илмий-тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.06/30.12.2019.V.12.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «16» март соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, М. Улуғбек кўчаси, 77 уй. Тел./факс: (99866) 234-76-86; e-mail: ssuv@edu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (14318 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, М.Улуғбек кўчаси, 77 уй. Тел./факс: (99866) 234-76-86.

Диссертация автореферати 2024 йил «2» март куни тарқатилди.
(2024 йил «2» март даги № 5 -рақамли реестр баённомаси).



Х.Б.Юнусов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, биол.ф.д., профессор

С.Б.Эшбуриев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, вет.ф.д., доцент

К.Н.Норбоев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, вет.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёнинг кўпчилиги давлатларида аҳолини сифатли, хусусан парҳезбоп гўшт ва тухум маҳсулотлари билан таъминлашда паррандачилик тармоғининг ўрни бекиёс. Паррандалардан сифатли гўшт ва тухум маҳсулотларини олишда улардан самарали ҳамда оқилона фойдаланишни илмий асосда йўлга қўйиш учун авваламбор, паррандаларнинг биологик хусусиятларини чуқур ўрганиш, улар организмнинг физиологик ҳамда генетик имкониятларини билиш муҳим аҳамиятга эга. «Суякларнинг кимёвий таркиби паррандаларнинг ёши ва жинсига, суякнинг анатомо-топографик жойлашувига боғлиқ бўлиб, кальцийнинг миқдори урғочи жинслиларда фосфор миқдорига нисбатан қарийиб уч марта юқори бўлади»¹ Суяклар организмда таянч-механик функциясини бажариши билан бир қаторда, минерал моддалар алмашинуви жараёнининг меъёрида кечишини таъминлаб берадиган органлардан бири ҳисобланади. Суякнинг морфо-физиологик хусусиятлари авваламбор минерал элементларнинг миқдори билан боғлиқ бўлиб, у паррандаларнинг постнатал тараққиёти даврида кўпгина омиллар таъсирида шаклланиб боради. Айниқса, тухум йўналишидаги товукларда тухумнинг шаклланиш даврида суяклар таркибидаги асосий минерал моддаларнинг қонга жадал чиқарилиши, ўз навбатида суякларнинг морфофункционал кўрсаткичларига ҳам таъсир кўрсатишини инобатга олган ҳолда уларни илмий асосда озиқлантиришни мақбуллаштириб бориш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Дунё миқёсида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун паррандачиликни саноат асосида ривожлантириш, тухум йўналишидаги товукларнинг табиий шароитнинг ўзгарувчан турли омилларига мослашувчан зот ва кроссларини яратиш, уларни озиқлантиришни илмий асосда ташкил этиш, улар организмнинг биологик қувватини ошириш ва тухум қўйиш жараёнининг турли босқичларида организмда кечадиган морфо-физиологик ўзгаришларни бошқаришга йўналтирилган кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилаётганлигига қарамадан, тухум йўналишидаги товуклар постнатал онтогенезида минерал моддалар алмашинувида муҳим рол ўйнайдиган суякларнинг макро-микроанатомик, кимёвий ва механик кўрсаткичларининг ўзгариш динамикаси, уларнинг морфогенези етарлича илмий асосланмаган.

Республикамизда паррандачилик соҳасини ривожлантириш, ҳалқимизни сифатли ва экологик тоза паррандачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришда маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, паррандаларнинг биологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда илмий асосланган мақбул технологиялардан фойдаланиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Бу борада тухум йўналишидаги товуклар постнатал

¹Куликов Е.В. Морфохимическая характеристика скелета цесарок в постэмбриональном онтогенезе // Автореф.дисс...канд.биол.наук. Москва, 2004. – 20 с.

онтогенезининг турли физиологик босқичларида организмнинг минерал моддалар захираси ҳисобланган суякларнинг морфологик, кимёвий ва механик кўрсаткичларининг ўзгариш динамикасини ҳамда ушбу морфофункционал жараёнларнинг тухум қўйиш даврлари билан ўзаро боғлиқлигини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар ўтказиш муҳим илмий-назарий ва амалий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 ноябрдаги ПҚ-4015-сон «Паррандачиликни янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 28 мартдаги ПҚ-4254-сон «Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2020 йил 29 январдаги ПҚ-4576-сон «Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 июнидаги ПҚ-5146-сон «Паррандачиликни ривожлантириш ва тармоқ озуқа базасини мустаҳкамлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2022 йил 31 мартдаги ПҚ-187-сон «Ветеринария ва чорвачилик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги, 2022 йил 15 июндаги ПҚ-281-сон «Паррандачилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги² қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб қўйилган устувор вазифалар аҳолини паррандачилик маҳсулотлари билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Паррандалар органларининг морфофункционал хусусиятлари, постнатал онтогенезнинг турли физиологик босқичларида ўзгариш хусусиятлари ҳамда морфогенез жараёнларининг кечиш механизмлари чет эл ва хориж олимлари: А.С.Родимцев, Г.Т.Казкенова, В.И.Фисинин, В.Н.Минченко, Ф.И.Сулейманов, Г.Н.Блажнова, Б.В.Криштофорова, Л.В.Фоменко, Е.А.Фатова, Б.Ф.Бессарабов, Я.С.Ройтер, С.Г.Кузнецов, В.Н.Панов, F.Bronner, D.K.Flock, H.Hartel, T.J.Frost, C.Castillo, K.Kehavarz ва бошқалар томонидан ўрганилган ҳамда илмий асосланган маълумотларни келтирилган бўлсада, республикамиз олимлари томонидан тухум йўналишидаги товуклар постнатал онтогенезида суякларнинг морфометрик, механик-кимёвий кўрсаткичларининг ўзгариш хусусиятлари етарлича ўрганилмаган.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 15 июндаги ПҚ-281-сон «Паррандачилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.

Паррандалар организмида минерал моддалар захираси сифатида муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳамда таянч-механик вазифани бажарувчи суяклар постнатал тараққиётининг қонуниятларини аниқлаш, тухум йўналишидаги товуклар биологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда улардан илмий асосда фойдаланиш, экологик хавфсиз тухум ва гўшт маҳсулотларини етиштиришда услубий тавсияларни ишлаб чиқиш ҳамда уни жорий қилиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий- тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд ветеринария медицинаси инситути (ҳозирги Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети)нинг Қашқадарё вилояти Шахрисабз тумани «Оқ сарой» хусусий корхонаси билан «Тухум йўналишидаги товукларнинг озиқа рационини илмий асосда мақбуллаштириш» бўйича тузилган шартнома (№05. 01.02.2018 й.) асосида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тухум йўналишидаги товуклар постнатал онтогенезининг турли физиологик босқичларида олдинги (қанот) ва орқа оёқ суякларининг макроанатомик, микроанатомик ўлчамлари, кимёвий таркиби ҳамда механик кўрсаткичларининг ўзгариш динамикасини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тухум йўналишидаги товуклар постнатал онтогенезида олдинги (қанот) ва орқа оёқ суяклари макроанатомик ўлчамларининг мутлак кўрсаткичларини аниқлаш;

тухум йўналишидаги товуклар постнатал онтогенезида олдинги (қанот) ва орқа оёқнинг стилоподий суяклари микроанатомик ўлчамларининг мутлак кўрсаткичларини аниқлаш;

турли ёшга мансуб тухум йўналишидаги товуклар олдинги (қанот) ва орқа оёқ суяклари макро-, микроанатомик ўлчамларининг ўсиш коэффициентини аниқлаш;

тухум йўналишидаги товуклар постнатал онтогенезида стилоподий суяклари кимёвий таркибининг ўзгариш хусусиятларини аниқлаш;

тухум йўналишидаги товуклар постнатал онтогенезида стилоподий суякларининг механик хоссаларини аниқлаш;

тухум йўналишидаги товуклар олдинги (қанот) ва орқа оёқ суякларининг макро-микроанатомик, кимёвий ва механик кўрсаткичларини постнатал онтогенезнинг турли физиологик босқичларида ўзгариш хусусиятларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти Қашқадарё вилояти, Шахрисабз тумани «Оқ сарой» хусусий корхонасидан олиб келинган 1, 16, 35, 85, 120, 168, 280, 420 ва 570 кунлик «Декалб» кроссига мансуб тухум йўналишидаги товуклар, улардан олинган олдинги (қанот) ва орқа оёқнинг камар ҳамда эркин суяклари, кимёвий реактивлар.

Тадқиқотнинг предмети турли ёшдаги тухум йўналишидаги товуклар олдинги оёқ (қанот) ва орқа оёқ суяклари морфометрик ўлчамлари, елка ва сон суяklarининг кимёвий ҳамда механик кўрсаткичлари.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотларда морфологик, кимёвий, физикавий ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор тухум йўналишидаги товуклар олдинги (қанот) ва орқа оёқ суяklarининг макроанатомик кўрсаткичларини постнатал онтогенезнинг 168 кунлигига қадар жадал кўтарилиши аниқланган;

тухум йўналишидаги товуклар постнатал онтогенезида олдинги (қанот) ва орқа оёқ стилоподий суяklarининг микроанатомик кўрсаткичларидаги тафовутлар исботланган;

олдинги (қанот) ва орқа оёқ суяklarари макро- ва микроанатомик ўлчамларининг ўсиш коэффиценти товуклар постнатал ривожланишининг 168 кунлигига қадар юқори бўлиши аниқланган;

тухум йўналишидаги товуклар стилоподий суяklarари таркибидаги кул, умумий органик модда, Са, Р, Mg, Fe, Na, К, Al, Zn, Mn миқдорининг ўзгариш хусусиятлари асосланган;

стилоподий суяklarарини синдирувчи максимал куч ҳамда мустаҳкамлик чегараси тухум йўналишидаги товуклар постнатал онтогенезининг дастлабки босқичларида юқорилиги аниқланган;

тухум йўналишидаги товуклар олдинги (қанот) ва орқа оёқ суяklarарининг макро-микроанатомик, кимёвий ва механик кўрсаткичларини постнатал онтогенезнинг турли босқичларида ўзгариш хусусиятлари бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тухум йўналишидаги товуклар постнатал онтогенезининг турли физиологик босқичларида олдинги (қанот) ва орқа оёқ суяklarарининг макроанатомик кўрсаткичларининг ўзгариш хусусиятлари аниқланган;

тухум йўналишидаги товуклар постнатал онтогенезининг ҳар хил физиологик босқичларида олдинги (қанот) ва орқа оёқ стилоподий суяklarарининг микроанатомик тузилмаларининг ўзгариш хусусиятлари аниқланган;

тухум йўналишидаги товуклар олдинги (қанот) ва орқа оёқлари стилоподий суяklarарининг асосий кимёвий таркибини тухум кўйиш босқичлари билан боғлиқлигини аниқлашга эришилган;

стилоподий суяklarарининг кўндаланг юзаси ҳамда уларни синдирувчи максимал куч ва мустаҳкамлик чегарасини товуклар постнатал онтогенезида ўзгариш қонуниятлари аниқланган;

товуклар олдинги (қанот) ва орқа оёқ суяklarарининг макро- ва микроанатомик, кимёвий ва механик кўрсаткичларининг постнатал онтогенезда тухум бериш даврлари билан боғлиқликда ўзгариш хусусиятлари бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги изланишларнинг замонавий услуб ва воситалардан

фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, морфологик, кимёвий, зоотехникавий усуллардан фойдаланиб бошланғич маълумотларга биометрик ишлов берилганлиги, шунингдек олинган назарий натижаларнинг тажриба маълумотлари билан тўғри келиши, тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, тажрибаларнинг далолатномаларга асосланганлиги, олинган натижаларнинг мутахассислар томонидан тасдиқлаб баҳоланганлиги ва изланиш натижаларининг ўқув жараёнига ва ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тухум йўналишидаги товуклар постнатал онтогенезининг турли физиологик босқичларида олдинги (қанот) ва орқа оёқлар суякларидаги макро- ва микроанатомик, кимёвий ҳамда механик ўзгаришларни илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тухум йўналишидаги товукларнинг таянч-механик ва минерал моддалар захираси ҳисобланган стилоподий суякларининг асосий макро-микроэлементлари миқдори, мустаҳкамлик даражасига тухум қўйиш босқичлари билан боғлиқлиги бўйича илмий асосланган амалий тавсиялар берилганлиги билан тавсифланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тухум йўналишидаги товуклар постнатал онтогенезида оёқ суякларининг морфологик ва механик-кимёвий хусусиятлари бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

«Тухум йўналишидаги товукларнинг оёқ суяклари постнатал морфогенезининг хусусиятлари» бўйича методик тавсиянома тасдиқланган ва ветеринария амалиётига жорий этилган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг 2023 йил 30 ноябрдаги 02/23-524-сон маълумотномаси). Ушбу тавсияларнинг қўлланилиши натижасида тухум йўналишидаги паррандалар биологияси бўйича мавжуд маълумотларни бойитиш, таянч-ҳаракат тизимининг постнатал онтогенездаги ривожланиш қонуниятлари, уларнинг морфологик хусусиятларини аниқлаш имконини берган;

илмий тадқиқотлар натижасида тухум йўналишидаги товуклар биологияси ва суякларнинг постнатал таракқиётидаги ўзгаришларини тадқиқ этиш бўйича илмий асосланган хулосалар олинган ва тадқиқотларнинг ушбу хулосалари Ветеринария ва чорвачилик соҳаларида мутахассислар тайёрланаётган Олий таълим муассасаларида «Ҳайвонлар анатомияси», «Ҳайвонлар морфологияси» фанларининг «паррандалар анатомияси» бўлимини ўрганишда ўқув жараёнига жорий этилган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг 2023 йил 30 ноябрдаги 02/23-524-сон маълумотномаси). Натижада «паррандалар анатомияси» бўлими бўйича ўқув маълумотларини бойитиш ҳамда талабаларнинг билим ва кўникмаларини оширишга эришилган;

Тухум йўналишидаги товукларнинг таянч-ҳаракат тизимидаги морфофункционал ўзгаришлар ҳамда уларнинг постнатал онтогенездаги

турли физиологик босқичларида кечадиган «қалтис» даврлари (16, 120, 168, 280 кунлик) аниқланган. Олинган натижалар Қашқадарё вилояти Шахрисабз тумани «Оқ сарой» паррандачилик хусусий корхонасига жорий этилган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг 2023 йил 30 ноябрдаги 02/23-524-сон маълумотномаси). Натижада паррандаларнинг постнатал онтогенездаги турли физиологик босқичларида кечадиган «қалтис» даврларини ҳисобга олган ҳолда озиқлантиришни ташкил этиш орқали уларда тухум маҳсулдорлигининг ошишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 4 та, шу жумладан 2 та халқоро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган, шундан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан 6 таси республика ва 2 таси хорижий илмий журналларда, 2 та халқоро, 2 та республика конференция материаллари тўпламларида нашр этилган. Олинган натижалар асосида 1 та методик тавсиянома чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати, мавзунинг Республика фан ва технологияларни ривожлантириш устивор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Паррандаларнинг ривожланишга таъсир этувчи омиллар, ихтиёрий ҳаракат аъзоларининг морфофункционал хусусиятлари, минерал моддалар алмашинуви, скелет тизимининг ривожланишига оид илмий адабиётлар таҳлили**» деб номланган биринчи боби тўрт қисмга бўлинган бўлиб, мазкур бобнинг «Паррандаларнинг антенатал ва постнатал ривожланиш хусусиятлари ҳамда унга таъсир этувчи омиллар» деб номланган биринчи қисмида паррандаларнинг эмбрионал ривожланиши ва тухум йўналишидаги товукларнинг постнатал ривожланишининг даврларга бўлиниши, ҳар бир даврда кечадиган морфофизиологик жараёнлар, уларга таъсир кўрсатадиган омилларга оид

дунё олимларининг илмий тадқиқот ишлари натижалари келтирилган. «Паррандалар ихтиёрий ҳаракат аъзоларининг морфофункционал хусусиятлари» деб номланган иккинчи қисмида паррандалар қанот ва орқа суякларининг шаклланиши ва ривожланишида кузатиладиган морфофункционал ўзгаришлар, скелет-мускул тизимининг постнатал онтогенездаги ривожланиш қонуниятлари, суякларнинг скелетда жойлашиши билан боғлиқ функционал хусусиятлар, стилоподий суякларнинг микротузилмалари, гистологик тузилиши тўғрисида олимларнинг тадқиқот натижалари келтирилган.

«Паррандалар организмида минерал моддалар алмашинувининг ўзига хос жиҳатлари» деб номланган учинчи қисмда паррандалар организмида моддалар алмашинуви жараёнларининг кечиш хусусиятлари, тухум йўналишидаги товукларда тухумга кириш, тухум беришнинг юқори даражаси ҳамда сусайиш босқичларида кальций, фосфор ва бошқа макро-, микроэлементларнинг экскрецияси, марганец, рух каби элементларнинг етишмовчилигида тухум пўстлоғида ҳамда суякларда юзага келадиган патологик ўзгаришлар тўғрисида маълумотлар келтирилган. «Паррандалар скелет тизимининг шаклланиши ва ривожланишида макро- ва микроэлементларнинг роли» деб номланган тўртинчи қисмда остоегенез жараёнига кальций, фосфор, марганец, рух, мис, натрий, калий элементларининг аҳамияти, ушбу элементларнинг алмашинув механизмларига оид илмий маълумотлар баён этилган. Адабиётлар таҳлилининг якуний хулосасида тухум йўналишидаги товуклар постнатал онтогенезнинг ҳар хил физиологик босқичларида қанот ва оёқ суякларининг макроанатомик, микроанатомик, кимёвий ва механик кўрсаткичларининг ўзгариб бориш хусусиятлари бўйича илмий изланишлар олиб бориш зарурлиги баён этилган.

Диссертациянинг «Тадқиқотлар материаллари ва усуллари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот жойи, объекти ва услублари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Тадқиқот ишлари 2018-2023 йиллар давомида Қашқадарё вилоятининг Шахрисабз тумани «Оқ сарой» паррандачиликка ихтисослашган хусусий корхонанинг тухум йўналишидаги товуклар олдинги (қанот) ва орқа оёқларининг суяклари устида олиб борилган. Илмий текширишлар постнатал онтогенезнинг 1, 16, 35, 85, 120, 168, 280, 420 ва 570 кунлик «Декалб» кроссига мансуб тухум йўналишидаги 90 та товукларнинг олдинги (қанот) ва орқа оёқларидан олинган суякларида амалга оширилган. Намуналар олиш учун ўрганилаётган ёшларга мансуб, клиник соғлом ва ўртача семизликдаги жўжалар ва товуклар танланди. Суякларга ишлов беришда ва морфометрик кўрсаткичларини аниқлашда Н.П.Чирвинский томонидан қўлланилган ҳамда жорий қилинган умумморфологик услублардан фойдаланилган. Лаборатория тадқиқотлари Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети «Ҳайвонлар анатомияси, гистология ва патологик анатомия» кафедраси, Самарқанд вилояти «Регионалгеология» ДУКнинг кимё-спектр, Самарқанд

давлат архитектура қурилиш университети лабораторияларида амалга оширилган.

Диссертациянинг «Тухум йўналишидаги товуклар постнатал онтогенезида олдинги (қанот) ва орқа оёқ суяқларининг морфометрик хусусиятлари» деб номланган учинчи бобида тухум йўналишидаги товуклар олдинги (қанот) ва орқа оёқ суяқларининг макронатамик ўлчамлари ҳамда стилоподий суяқларининг микроанатомик кўрсаткичлари постнатал онтогенезнинг турли физиологик босқичларида ўзгариш хусусиятлари бўйича маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотлар натижасида тухум йўналишидаги товуклар оёқ суяқларининг макроанатомик кўрсаткичлари постнатал онтогенезнинг дастлабки кунидан 168 кунлигига қадар жадал ортиб бориши ва 570 кунликкача 168 кунликдагига нисбатан сезиларли ўзгармаслиги аниқланди. Камар суяқларининг мутлақ узунликлари 168-кунда курак суягида $2,23 \pm 0,03$ см дан $7,11 \pm 0,08$ см га, ўмров суягида $1,65 \pm 0,02$ см дан $6,45 \pm 0,07$ см га, коракоид суягида $1,58 \pm 0,02$ см дан $5,72 \pm 0,08$ см га, тос суягида $2,5 \pm 0,02$ см дан $11,1 \pm 0,15$ см га, ушбу суяқлар оғирликлари мутлақ кўрсаткичларининг ўсиш коэффиценти 1 кунликдан 570 кунликка қадар курак суягида 40,33; ўмров суягида 28,25; коракоид суягида 30,83; тос суягида 30,8 мартага ортиши қайд этилди.

Курак, ўмров, коракоид, тос суяқлари морфометрик кўрсаткичларнинг ўсиш коэффиценти постнатал онтогенезнинг дастлабки кунидан 570 кунлигига қадар давр мобайнида уларнинг оғирликларида чизиқли ўлчамлариникига нисбатан юқори бўлади. Мазкур морфофункционал ҳолат товуклар суяқларида минерал моддаларнинг тўпланиб бориш даражаси билан изоҳланади.

Товуклар олдинги оёқ (қанот) суяқларининг чизиқли ўлчамлари постнатал онтогенезнинг 1-кунидан 35-кунигача жадал ортиши ва бу ҳолатнинг 168 кунликка қадар давом этиши, яъни уларнинг узунлиги елка суягида 1-кундан 35-кунгача $2,25 \pm 0,02$ см дан $3,95 \pm 0,12$ см гача ва 168-кунда $8,31 \pm 0,12$ см ($K=3,69$) гача; билак суягида 35-кунгача $2,14 \pm 0,02$ см дан $3,49 \pm 0,05$ см гача ва 168-кунда $7,76 \pm 0,07$ см ($K=3,62$) гача; тирсак суягида 35-кунгача $2,25 \pm 0,02$ см дан $3,64 \pm 0,04$ см гача ва 168-кунда $7,93 \pm 0,09$ см ($K=3,52$) гача, суяқлар мутлақ оғирлигининг ўсиш коэффиценти постнатал ривожланишнинг 1 кунлигидан 60 ойликкача бўлган давр мобайнида елка суягида 19,72; билак суягида 21,75; тирсак суягида 35,75 мартагача кўтарилиб бориши аниқланди.

Орқа оёқ эркин суяқларининг морфометрик кўрсаткичлари товуклар постнатал онтогенезининг турли физиологик босқичларида маълум ўзгариш динамикасини намоён қилиши кузатилди. Сон суягининг мутлақ узунлиги постнатал ривожланишнинг дастлабки кунидан 35 кунлигигача $2,9 \pm 0,05$ см дан $4,28 \pm 0,04$ см ($K=1,47$; $p < 0,03$) га, 168 кунликда $9,18 \pm 0,23$ см гача ортиши, 570 кунликда $8,93 \pm 0,15$ см га тенг бўлиши, унинг оғирлиги 1 кунликдан 35 кунликкача $0,34 \pm 0,01$ г дан $1,51 \pm 0,03$ г ($K=4,44$; $p < 0,02$) га, 168 кунликда

8,45±0,09 г гача ортиши, 570 кунликда 8,06±0,11 г га тенг бўлиши қайд этилди.

Болдир ва узангилик (цевка) суяклари узунлиги ва оғирлиги мутлак кўрсаткичларининг ўсиш динамикаси постнатал онтогенезнинг ўрганилган босқичларида бошқа суяклардаги каби қонуниятга эга бўлиб, яъни болдир суяги узунлиги 35-кунда 3,62±0,03 см дан 5,3±0,08 см ($K=1,46$) гача, 168-кунда 12,9±0,15 см гача, оғирлиги 35-кунда 0,35±0,01 г дан 1,35±0,02 г ($K=3,85$; $p<0,03$) гача, 168-кунда 9,77±0,12 г гача; узангилик суяги узунлиги 35-кунда 2,49±0,02 см дан 3,63±0,06 см ($K=1,46$; $p<0,03$) гача, 168-кунда 9,28±0,09 см гача, оғирлиги 35-кунда 0,15±0,01 г дан 0,45±0,01 г гача, 168-кунда 5,8±0,07 г гача ортиши, 1 кунликда 570 кунликкача давр мобайнида суякларнинг ўсиш коэффициенти болдир суяги узунлигида 3,42; оғирлигида 26,88; узангилик суяги узунлигида 3,57; оғирлигида 35,86 мартага етиши аниқланди.

Орқа оёқ дистал бўлими суякларининг морфометрик кўрсаткичлари проксимал бўлим суяклариники сингари тухум йўналишидаги товуклар постнатал онтогенезининг дастлабки кунидан 168 кунлигига қадар бирмунча жадаллик билан кўтарилиб бориши ҳамда кейинги 570 кунлигигача ушбу жараённинг бирмунча секинлашиши кузатилди. Бу ҳолат товукларнинг тухум қўйиш даврида рўй берадиган морфофункционал ўзгаришлар оёқларнинг нафақат проксимал бўлим суякларининг, балки дистал бўлим суякларининг морфометрик кўрсаткичларида ҳам акс этишидан далолат беради.

Демак, тухум йўналишидаги товуклар оёқ суякларининг чизикли ўлчамлари ва оғирликлари мутлак кўрсаткичларининг ўсиш жадаллиги, асосан уларнинг жинсий ва физиологик вояга етган даврларига қадар давом этади, постнатал онтогенезнинг 280 кунлигидан бошлаб ушбу кўрсаткичларнинг деярли ўзгармаслиги ва бу айнан товуклар постнатал онтогенезининг 168 кунлигидан кейинги босқичлари тухум қўйиш жараёнининг бирмунча жадал кечадиган ёшларга тўғри келиши, шунингдек, суяклар оғирликлари мутлак кўрсаткичларининг ўсиш коэффициенти уларнинг чизикли ўлчамлариникига нисбатан юқори бўлиши суякларда минерал моддаларнинг жадал тўпланиши билан изоҳланади.

Тухум йўналишидаги товуклар стилоподий суякларининг микроанатомик кўрсаткичлари суяклар анатомик қисмларининг морфофункционал хусусиятлари билан боғлиқ равишда постнатал онтогенезнинг турли босқичларида ўзига хос динамикани намоён қилиши қайд этилди. Елка суяги проксимал эпифизи қалинлигининг мутлак кўрсаткичи постнатал онтогенезнинг дастлабки кунидан 0,36±0,01 см га тенг бўлиб, 168 кунликка қадар бу кўрсаткичнинг бирмунча жадал кўтарилиб бориши, яъни 35 кунликда 0,76±0,02 см ($K=1,72$; $p<0,03$) га, 120 кунликда 1,63±0,02 см ($K=1,5$) га, 168 кунликда 1,79±0,03 см ($K=1,09$) га етиши, 168 кунликдан кейинги босқичларда унинг узунлигига мос ҳолда сезиларли ўзгаришга учрамаслиги кузатилиб, 570 кунликда 1,7±0,03 см га тенг бўлиши аниқланди. Елка суяги дистал эпифизи қалинлиги постнатал

ривожланишнинг дастлабки кунидан 120 кунлигига қадар босқичма-босқич жадал ортиши, яъни 16 кунликкача $0,22 \pm 0,01$ см дан $0,31 \pm 0,01$ см ($K=1,4$) гача, 35 кунликда $0,53 \pm 0,01$ см ($K=1,71$) гача кўтарилиши, 168 кунликда эса бошқа ёшдагиларга нисбатан энг юқори кўрсаткични ($1,27 \pm 0,02$ см) намоён қилиши кузатилди.

Сон суяги проксимал эпифизи қалинлигининг мутлақ кўрсаткичи товуклар постнатал ривожланишининг дастлабки кунидан 35 кунлигига қадар бирмунча жадал ортиб, 16 кунликкача $0,43 \pm 0,01$ см дан $0,61 \pm 0,01$ см ($K=1,41$; $p < 0,03$) га, 35 кунликда $0,98 \pm 0,01$ см ($K=1,6$) га етиши ҳамда ушбу ҳолатни 168 кунликкача босқичли тарзда давом этиши ва 168 кунликда $1,95 \pm 0,02$ см гача кўтарилиб бориши, 280 кунликдан кейинги ёшларда деярли ўзгармаслиги аниқланди. Ушбу суякнинг дистал эпифизи қалинлигининг мутлоқ кўрсаткичи 1 кунлик жўжаларда $0,31 \pm 0,01$ см га тенг бўлиб, постнатал онтогенезнинг 168 кунлигига қадар босқичма-босқич 85 кунликда $1,11 \pm 0,02$ см ($K=1,48$) гача, 168 кунликда $1,76 \pm 0,04$ см гача кўтарилиши ва кейинги ёшларда бу кўрсаткични сезиларли ўзгармаслиги, яъни 570 кунликда $1,66 \pm 0,01$ см ни ташкил этиши қайд этилди. Функционал ҳолатдан келиб чиққан ҳолда эпифизнинг қалинлиги суякнинг проксимал учида дистал учидагига нисбатан юқори бўлиши кузатилди. Бу ҳолатни суякларнинг проксимал учи бевосита камар суякларига бирикиб турганлиги сабабли оғирлик кучи юқори бўлиши билан изоҳлаш мумкин.


Стилоподий суякларининг дорсал компакт моддаси қалинлиги товуклар постнатал онтогенезининг 168 кунлигига қадар босқичли тарзда жадал ортиши, кейинги ёшларда сезиларли ўзгармаслиги, яъни бу кўрсаткич елка суягида 1 кунлик жўжаларда $0,055 \pm 0,002$ см га тенг бўлиб, 85 кунликда $0,102 \pm 0,0022$ см ($K=1,39$) гача, 168 кунликда эса $0,173 \pm 0,0078$ см ($K=1,14$) гача кўтарилиши, 570 кунликда $0,157 \pm 0,0035$ см ($K=0,93$) гача тушиши, сон суягида 1 кунликдан 35 кунликка қадар $0,067 \pm 0,0022$ см дан $0,089 \pm 0,001$ см ($K=1,32$; $p < 0,03$) гача, 168 кунликда $0,193 \pm 0,003$ см гача ортиши, 280 кунликдан ушбу жараёни бирмунча секинлашиши ва 570 кунликда $0,185 \pm 0,0064$ см га тенг бўлиши аниқланди.

Елка суягининг палмар компакт моддаси қалинлигининг мутлақ кўрсаткичи товуклар постнатал таракқиётининг 120 кунлик босқичига қадар унинг дорсал компакт моддаси сингари кўтарилиб бориши, яъни 16 кунликкача $0,078 \pm 0,0023$ см дан $0,089 \pm 0,0033$ см гача, 120 кунликда $0,178 \pm 0,0022$ см ($K=1,23$) гача ортиши, 168 кунликда бошқа ёшдагиларга қараганда энг юқори кўрсаткични ($0,191 \pm 0,0026$ см) намоён қилиши, сон суяги плантар компакт моддаси қалинлиги 120 кунликда $0,095 \pm 0,0029$ см дан $0,194 \pm 0,0042$ см ($K=1,25$) га етиши, кейинги ёшларда 168 кунликдагига нисбатан сезиларсиз камайиши ва 570 кунликда $0,194 \pm 0,0025$ см ни ташкил этиши аниқланди (1-расм).

Демак, стилоподий суякларининг дорсал, палмар ва плантар компакт моддасининг қалинлиги суякнинг бошқа микроанатомик тузилмаларининг ўзгариш динамикасига мос равишда постнатал онтогенезнинг дастлабки кунидан товукларнинг жинсий ва физиологик вояга етган даврига қадар

жадал кўтарилиб бориши, кейинги ўрганилган 570 кунликкача бу ҳолатнинг секинлашиши кузатилади.

Стилоподий суяклари проксимал ва дистал бўғим тоғайлари қалинлиги товуклар постнатал онтогенезининг дастлабки 16 кунлигига қадар мутлақо ўзгармасдан, кейинги 120 кунликка қадар босқичли тарзда ортиб бориши, 168 кунликдан кейин кичик ёшдагига нисбатан деярли ўзгармаслиги аниқланди. Шунини таъкидлаш лозимки, елка суяги проксимал ва дистал бўғим тоғайларининг қалинлиги товуклар постнатал онтогенезининг физиологик босқичларида ўзгариши бўйича динамикаси бир-бирига мутаносиб кечсада, бу кўрсаткич суякнинг дистал учида проксимал учидагига қараганда бироз юқори бўлиши кузатилади.



1-расм. Товуклар постнатал онтогенезида елка суяги микроанатомик кўрсаткичларининг ўзгариш динамикаси (см)

Суяклар илик бўшлиғининг мутлақ кўрсаткичлари товуклар постнатал онтогенезининг дастлабки кунидан 168 кунлигига қадар жадаллик билан ортиб бориши, яъни илик бўшлиғининг баландлиги 1-кундан 168-кунгача елка суягида $1,946 \pm 0,0227$ см дан $5,219 \pm 0,1912$ см гача, сон суягида $2,13 \pm 0,03$ см дан $5,43 \pm 0,04$ см гача, илик бўшлиғи энининг кўрсаткичи елка суягида $0,097 \pm 0,0037$ см дан $0,356 \pm 0,0072$ см гача, сон суягида $0,096 \pm 0,0037$ см дан $0,367 \pm 0,0062$ см гача каттариши ҳамда кейинги ёшларда ушбу жараённинг секинлашиши кузатилди.

Демак, суяклар илик бўшлиғи баландлиги ҳамда энининг мутлақ кўрсаткичлари постнатал онтогенезнинг дастлабки кунлигидан босқичма-босқич кўтарилиб бориши, ушбу кўрсаткичларнинг ўсиш жадаллиги уларнинг физиологик вояга етиш даври, яъни 168 кунликкача юқори бўлиши суякнинг бўйига ва энига ўсиши ҳамда ғовак ва компакт моддаларнинг постнатал онтогенезда ўзгариши ҳисобидан рўй беради, деб ҳисоблаймиз.

Диссертациянинг «Тухум йўналишидаги товуклар постнатал онтогенезида стилоподий суякларининг кимёвий ва механик кўрсаткичлари» деб номланган тўртинчи бобида тухум йўналишидаги товуклар постнатал онтогенезида елка ва сон суяклари таркибидаги айрим кимёвий элементлар миқдори ҳамда механик кўрсаткичларининг ўзгариш динамикасини ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижалари ёритилган.


Стилоподий суяклари таркибидаги табиий намлик миқдорининг нисбий кўрсаткичи товуклар постнатал онтогенезининг дастлабки кунда бирмунча юқори бўлиб, 168 кунликка қадар босқичма-босқич пасайиб бориши, яъни бу кўрсаткич 1 кунлик жўжаларнинг елка суягида $45,22 \pm 0,49$ % га, сон суягида $45,78 \pm 0,77$ % га тенг бўлиши, 35 кунликда бу кўрсаткичлар мос равишда: $-41,31 \pm 0,74$ % ва $41,75 \pm 0,49$ % гача, 168 кунликда $-35,23 \pm 0,56$ % ва $34,98 \pm 0,85$ % гача тушиб бориши ва кейинги ёшларда бу ҳолатни бир маромда давом этиши кузатилди.

Стилоподий суяклари таркибидаги кул модданинг нисбий кўрсаткичи товуклар постнатал онтогенезининг дастлабки кундан 120 кунлигига қадар бирмунча жадал кўтарилиб, елка ва сон суякларида мос равишда, 16 кунликкача $20,55 \pm 0,28$ % дан $33,2 \pm 0,5$ % ($K=1,62$; $p<0,03$), $20,61 \pm 0,38$ % дан $33,38 \pm 0,42$ % гача, 120 кунликда $-54,92 \pm 0,61$ % ($K=1,16$), $54,99 \pm 0,74$ % гача ортиши қайд этилди. Стилоподий суякларининг ушбу кўрсаткичи 168 кунлик ва ундан кейинги ёшларда 120 кунликдагига нисбатан сезиларли ўзгармаслиги, яъни елка ва сон суягида мос ҳолда, 168 кунликда $-55,05 \pm 0,57$ %, $55,18 \pm 0,65$ % га, 570 кунликда $-56,49 \pm 0,56$ %, $56,56 \pm 0,62$ % га тенг бўлиши аниқланди. Кул моддаси миқдори нисбий кўрсаткичининг ўсиш коэффициенти товуклар постнатал онтогенезининг дастлабки кунлигидан 570 кунлигига қадар давр мобайнида елка суягида 2,75 мартагача ортиши қайд этилди.

Стилоподий суяклари таркибидаги умумий органик модда миқдорининг нисбий кўрсаткичи товуклар постнатал онтогенезининг дастлабки кунда бирмунча юқори бўлиб, елка суягида $79,45 \pm 0,09$ %, сон суягида $79,39 \pm 0,25$ % га тенг бўлиши ва кейинги 168 кунликка қадар бу кўрсаткични суяк таркибидаги кул модда миқдorigа тескари улароқ, босқичма-босқич пасайиб бориши ва 168 кунликда елка суягида $44,95 \pm 0,07$ %, сон суягида $44,82 \pm 0,16$ % гача тушиши қайд этилди. Суяк таркибидаги умумий органик модда миқдорининг нисбий кўрсаткичи 168 кунликдан кейинги ёшларда деярли ўзгармаслиги аниқланди (2-расм).

Товуклар стилоподий суяклари таркибидаги айрим макро- ва микроэлементларнинг нисбий миқдори постнатал онтогенезнинг ҳар хил физиологик босқичларида ўзига хос ўзгариш динамикасини намоён қилиши кузатилди. Масалан, елка суяги таркибидаги Са миқдорининг нисбий кўрсаткичи товуклар постнатал онтогенезининг 1-кундан 16 кунлигига қадар жадал ортиб, $6,28 \pm 0,07$ % дан $13,51 \pm 0,27$ % ($K=2,15$) гача кўтарилиши, ривожланишнинг 168 кунлигигача мазкур ҳолатни босқичли тарзда давом этиши ва $19,91 \pm 0,41$ % га етиши, Р миқдори 16 кунликка қадар $6,05 \pm 0,08$ %

дан $6,93 \pm 0,11\%$ гача, 168 кунликда $10,03 \pm 0,23\%$ гача ортиши ҳамда ушбу кўрсаткичларнинг кейинги ёшларда сезиларсиз пасайиб бориши қайд этилди.




2-расм. Товуқлар постнатал онтогенезида сон суяги таркибидаги намлик (%), кул ва органик моддани нисбий кўрсаткичлари ($M \pm m$) ҳамда ўсиш коэффициенти (K)

